

Қуръони Карим дарслари (115-дарс). Абу Амр Басрий қироати



15:00 / 15.12.2020 5514

Имом Забон ибн Алоъ ибн Аммор ибн Урён Мозаний Басрий. У киши ҳижрий 68 санада туғилиб, 154 санада вафот этган. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ва бошқалардан ҳадис эшитган. Етти имом қорилари ичидан ундан устози кўпи йўқ.

Имом Абу Амр Басрий раҳматуллоҳи алайҳи Қуръони Каримни ва араб тилини энг яхши биладиган кишилардан эди. У киши садоқатли, ўта ишончли, зоҳид, кўп ибодатли ва кароматлар соҳиби бўлган зот эди.

Абу Амр Басрий Маккаи Мукаррамада туғилиб, Басрада ўсди ва Куфада вафот этди.

У кишининг икки ровийлари – Дурий ва Сусий. Қироат имомининг ровийси унинг қироатини илмий равишда қабул қилиб, бошқаларга етказишда хизмат қилган бўлади.

Дурий – Абу Амр Ҳафс ибн Умар ибн Абдулазиз Дурий. ҳижрий 246 санада вафот этган. «Дур» Бағдоддаги мавзелардан бирининг номи бўлиб, ушбу қироат имоми Дурий раҳматуллоҳи алайҳи ўша ерга нисбат берилган. У киши ўз замонасида кишиларнинг яхши кўрган шайхи, ишончли, саботли улуғ кишиси бўлган.

Имом Дурий қироатларни биринчи бўлиб жамлаган зотдир. У киши қироатларни ўрганиш ва жамлаш учун жуда кўп сафарларда бўлган. Етти ҳарфдаги қироатларни яхши билган.

Имом Сусий – Абу Шуайб Солих ибн Зиёд ибн Абдуллоҳ Сусий. Ҳижрий 261 санада вафот қилган. У киши ўта ишончли ва саботли зот бўлган. Қироатни Абу Мухаммад Язидийдан олган. Ҳафсдан имом Осимнинг қироатини олган. Етмиш ёшида вафот этган.

«Қуръон илмлари» китобидан